

Юртимиздаги тўёналарнинг турлари ва ҳукмлари



11:03 / 28.10.2020 2670

Ҳозирги кунда жамиятимизда турли хил расм-русмлар қаердадир кенг, қаердадир тор доираларда тарқалди. Улардан бири тўёнадир. Бу ҳам ҳозирги кунда расмиятчиликка айланган.

Тўёна аслида шариатимизда берилган ҳадя қаторига киради. Лекин, ҳозирги кунга келиб, уни ҳадя деб номлагандан кўра «Қарз» деб аташга лойиқ бўлиб қолди. Чунки, уни деб берувчининг исми, ўша нарсанинг нималиги, миқдорининг қанчалигини ёзиб қўядиган журнал тутиладиган бўлди.

Берувчилар бирор тўй ёки маросим қилсалар ундан тўёна олганлар журналига қараб «Бизга нима берган эди, шунга қараб биз ҳам беришимиз

шукри, қариндош-уруғчиликнинг хурсандчилиги» деса, ундан бирор нарсани қайтишини кутмаса, бу Аллоҳ таолонинг розилиги учун берилганлигининг аломатидир. Бундай ҳадяда берувчига ҳам олувчига ҳам барака бор.

Умидвор бўлган ҳадяда барака йўқдир

Ҳадисларда: Бир киши кимдандир ҳадя умид қилса, унга мунтазир бўлса ундай ҳадяда барака бўлмаслиги айтилган. Шунингдек, агар Аллоҳ таоло бирор бандасининг қалбига муҳаббат солиб ҳадя берса, олувчи ундан кутмаган бўлса, бундай ҳадяда барака бўлишлиги ҳам айтилган.

Бир улуғ зотнинг воқеаси

Аллоҳнинг дўстларидан бўлган бир дарвеш бўлар эди. Одатда Аллоҳ таоло Ўзининг дўстларини қаттиқ имтиҳон қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

“الامث ، اءىبنأل آءالب سرانل اءشأ”

яъни, «Имтиҳоннинг энг қаттиғи пайғамбарларга, сўнг уларга яқинларга бўлади» – деганлар.

Имом Бухорийнинг ҳаётларидан, Умар ибни Ҳафс Уштур айтадилар: Имом Бухорий Басра машойихларидан ҳадис илмини олиш учун Басрага келди. Бир неча кун ўтгач имом Бухорий дарсга қатнашмадилар. У киши бир кун келмадилар, икки кун келмадилар, шериклари «У киши бундай қилиш мумкин эмас. Бемор ёки бирор ҳодиса бўлган бўлса керак» деб турар жойларига боришди. Маълум бўлишича имом Бухорийнинг бир қатор кийимлари бўлиб, ювилаверганидан авратни ёпишга кифоя қилмайдиган бўлиб қолган экан. Шунинг учун дарсга бора олмаётган эканлар. Шериклари кийим топиб ўзлари билан олиб кетишди.

Юқоридаги дарвешга ҳам Аллоҳ таолонинг имтиҳони бўлиб, йўқчилик бошига тушди. Ваъз қилиш мобайнида ҳоли ночор, овози паст ҳолатда эди. Шогирдларидан бири ҳолатни тушиниб, мажлисдан туриб кетди. Мажлис тугагач шогирди қўлида таом кўтариб келди, дарвеш таомни кўргач бир оз ўйланиб қолди ва «Қайтариб олиб кетавер қабул қилмайман» деди. Мурид шайхни комил инсон эканлиги, қабул қилмаслиги беҳикмат эмас, такаллуф ҳам эмас деб ўйлаб таомни қайтариб олиб кетди. Бироз муддат ўтгач яна қайтариб олиб келди, шайх қабул қилиб танаввул қилди. Шунда шогирд ҳайрон бўлиб турганида шайх «Сен ҳолимни кўриб туриб кетганингда нега

турганингни билдим ва таом келтиришинга умидвор бўлдим. Таомни келтирганингда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Умидвор бўлинган ҳадяда барака йўқ» деган ҳадисларини ўйлаб, уни рад қилдим. Сен қайтиб кетгач ўша умидим узилди. Кейинги олиб келганингда ўша умид бўлмаганлиги учун қабул қилдим. Шунинг учун тамаъ, умидворлик, риёлардан бири бўлса ҳадянинг баракасини ўчиради - деган экан.

Манба: fiqh.uz